

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/30.12.2019.S.23.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМий КЕНГАШ**

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

Парманов Фарход Ярашевич

**МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ: ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА
ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

22.00.03 – Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Scien (DSc)

Парманов Фарход Ярашевич

Миграция жараёнлари: трансформацияси ва интеграциялашув
тенденциялари

4

Парманов Фарход Ярашевич

Миграционные процессы: тенденции трансформации и интеграции

25

Parmanov Farhod Yarashevich

Migration processes: tendencies of transformation and integration

44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

60

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/30.12.2019.S.23.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМий КЕНГАШ**

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

Парманов Фарход Ярашевич

**МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ: ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА
ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

22.00.03 – Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Социология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.DSc/S16** рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида** бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Бекмуродов Мансур Бобомуродович
социология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Умурзоков Баҳодир Ҳамидович
иқтисод фанлари доктори, профессор

Матибаев Таспулат Болтабаевич
социология фанлари доктори, профессор

Яздонов Улугбек Тошмуротович
фалсафа фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация химояси **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси** ҳузуридаги DSc.20/30.12.2019.S.23.0 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «6» 01 соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 232-60-56, факс: (99871) 232-60-80, e-mail: nauka@nuu.uz.).

Диссертация билан **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси** Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-61-25; факс: (99871) 239-17-83.

Диссертация автореферати 2021 йил «18» 01 кuni тарқатилди.
(2021 йил «20» 01 даги 61- рақамли реестр баённомаси).



Ш.М.Содиқова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, социология фанлари доктори, профессор



А.Б.Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, социология фанлари номзоди, доцент

А.О.Умаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, социология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда халқаро сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқаларнинг интеграциялашуви ва глобаллашуви, миллий ва маъмурий чегараларнинг ўзгариши, халқаро муносабатларда янги субъектлар, айниқса, реинтеграция омилининг фаоллашуви миграция ходисасини долзарб ижтимоий муаммо сифатидаги ролини кескин ошириб, *умуминсоний қонуният* мақомига олиб чиқмоқда. Маълумотларга кўра, «2013 йилда халқаро мигрантлар сони 232 миллионга етиб, дунё аҳолисининг 3,2 фоизини ташкил қилган бўлса, 2019 йилнинг ўрталарига келиб, улар сони 272 миллионга, яъни дунё аҳолисининг 3,5 фоизига етди»¹. Шу боисдан бугунги кунда миграция жараёнлари трансформацияси ва интеграциясини тизимли ўрганиб, миграция ходисасининг конструктив ва рационал ечимини топиш долзарб аҳамият касб этади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларнинг интеграциялашуви ва глобаллашуви босқичида миграция ходисаси структурасидаги таркибий ўзгаришлар динамикаси унинг янги йўналишларини вужудга келтирмоқда. Социологик назарияларда аҳоли миграциясини ўрганишнинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш доирасида тизимли ёндашув кенг тарқалмоқда, бунда миграция жараёнлари кишиларнинг индивидуал қарорлар қабул қилишининг ижтимоий омилларга боғлиқ натижаси деб қаралса, бошқа томондан халқаро миқёсда капитал ва товарлар оқими, минтақавий ва глобал сиёсий, иқтисодий, маданий омилларнинг ҳаракати оқибати сифатида баҳоланмоқда. Бинобарин, БМТ даражасида миграциянинг негатив жиҳатларини жиловлаш, ижобий жиҳатларини рағбатлантиришга доир давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан юритилаётган демографик сиёсатни такомиллаштириш, самарали бошқариш, назорат қилиш, унинг норматив-регулятив асослари ҳамда ҳудудий-маъмурий, ижтимоий-маданий, этнодемографик ва иқтисодий-географик хусусиятларига дифференциал ёндашишлар намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда миграция жараёнларининг ҳудудий хусусиятлари, унинг трансформациялашуви ва интеграциялашуви динамикаси, ижтимоий-демографик ва этник таркибини ўрганиш сўнгги йилларда бу жабҳада олиб борилаётган ислохотлар билан чамбарчас боғлиқ. «Ўзбекистон Республикаси, мамлакат ичкарисида ёки ташқарисида бўлишидан қатъи назар, ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларга ҳомийлик кўрсатишни бундан буён ҳам кафолатлайди ва барча чораларни кўради»². Бу борада фуқароларнинг горизонтал ва вертикал ижтимоий мобиллиги, шунингдек, миграция жараёнларидаги фаолликларини тартибга солишнинг концептуал асосларини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Миграция жараёнининг,

¹Қаранг: Коммерсант.ру. 18.09.2019.

²Мирзиёев Ш.М. Конституция ва конун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // <https://uza.uz/oz/politics/konstitutsiya-va-onun-ustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019>

ривожланиш тенденцияларини, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ролини аниқлашда унинг истиқболини прогнозлаштириш ва моделлаштириш йўналишларида илмий изланишларни амалга ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 11 июлдаги ПҚ-3126-сон «Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 5 июлдаги ПҚ-3839-сон «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Миграция ҳодисасининг вужудга келиш генезиси, тарихий ривожланиш босқичлари, трансформацияси, социомаданий муносабатлар интеграциялашув тенденцияларини таҳлил қилиш, турли прогностик-футурологик ёндашувлар ва моделлаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва университетлари, жумладан, Carnegie Endowment for International Peace (АҚШ), European University Association (Бельгия), Royal Institute for International Affairs - Chatham House (UK), French Institute of International Relations (France), Institute for International and Security Affairs (Germany), Шэньсис Педагогика университети (Хитой), Россия стратегик тадқиқотлар институтининг демография ва миграция сектори (Россия), Қозоғистон-Германия университети (Қозоғистон), Миллий стратегик тадқиқотлар институти (Қирғизистон) ва бошқа илмий марказларда социологик тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Миграция жараёнларига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижаларга эришилган: миграция феномени ҳақидаги муқобил назарияларни, таълимотларни туташтирувчи умумий нукта уларнинг «идеал миграция», «оптимал миграция», «рационал миграция» моделлари концепцияси ишлаб чиқилган

³<https://www.silkroadstudies.org/>, <https://www.rand.org/>, <https://www.brookings.edu/>, <https://carnegieendowment.org/>, <https://eua.eu/>, <https://www.chathamhouse.org/>, <https://www.ifri.org/ru/>, <https://www.swp-berlin.org/en/>, <https://english.snnu.edu.cn/>, <http://www.kisi.kz/index.php/ru/>, <https://dku.kz/>, <http://www.nisi.kg/>, <https://mts.tj/ru/>, <http://www.isrs.uz/>, <https://dba.uz/ru/>, <https://nuu.uz/rus/>, <http://www.uwed.uz/ru/>, <http://www.migimo.ru/>, <http://www.rusmpi.org> <https://central-asia.institute/> <https://riss.ru/>

(Carnegie Endowment for International Peace, AQSH), мигрантларнинг социал мобиллиги, хусусан, миграцион фаоллик сабаблари аниқланган (European University Association, Бельгия), миграция ҳодисасини баҳолаш, касб-хунар ва профессионал тайёрлашдаги социал ҳаракатлар тизими ишлаб чиқилган (French Institute of International Relations, France), мигрантлар социал мобиллигининг этносоциал жараёнларга таъсири аниқланган (Institute for International and Security Affairs, Germany), жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, этномаданий ва бошқа соҳаларига таъсир этувчи кўп маданиятли жамоаларни шакллантиришга эришилган (Россия стратегик тадқиқотлар институтининг демография ва миграция сектори, Россия).

Дунёда миграция жараёнлари орқали ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш бўйича қатор, жумладан, устувор йўналишлар асосида тадқиқотлар олиб борилмоқда: миграция оқимларининг салбий оқибатларини олдини олиш, мигрантларнинг янги жойда мослашиши ва интеграцияси, ташқи меҳнат миграциясини тартибга солишни таъминлаш, меҳнат муҳожирларини ижтимоий ҳимоя қилиш, мигрантларнинг ихтиёрий равишда мамлакатларига қайтиши, «мигрантофобия», «мигрант ксенофобияси» ҳодисалари, миграция жараёнида шаҳар аҳолиси сони ўсишининг иқтисодий, сиёсий, экологик жиҳатлари уйғунлигини кучайтириш; инсон социал мобиллиги мотивациясининг таълим ва интеллектуал салоҳият даражасига боғлиқ ўзгаришлари; миграция жараёнларини бошқаришга мутасадди минтақавий ва халқаро ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини унификациялаштириш ҳамда бажарилишини таъминлаш; аҳоли миграциясини ижтимоий макон характери ва амплитудасини аниқлашда ички ва ташқи йўналишларга ажратиш, миграциянинг янги шакллариининг вужудга келиши; мигрантларнинг турмуш тарзини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ижтимоий ва маданий мослашуви институтларини ва механизмларини шакллантириш, жаҳон ҳамжамияти билан самарали алоқа усуллариини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Социологик қарашлар тарихида инсоннинг ижтимоий мобиллиги масалалари фрагментар, дискрет, жузъий тарзда изоҳланган, жумладан, инсоннинг моҳияти, тафаккури ва салоҳияти ҳақидаги фикрлар юнон файласуфлари Арасту, Афлотун⁴ ва бошқалар, Шарқ фалсафаси, хусусан, ўрта аср Шарқ маданий меросида Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Бериуний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек каби алломаларнинг асарларида одамлар ҳамма даврларда бир жойдан иккинчи жойга кўчиб яшаганликларининг ижтимоий-иқтисодий сабаблари, хусусан, урушлар, табиий офатлар, турли юқумли касалликлар натижасида одамларнинг муқим яшаш жойларини ўзгартиришлари миграция ҳодисаси сифатида қайд этилган.

⁴Қаранг: бу ва кейинги кўрсатилган муаллифларнинг ишлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да кўрсатилган.

Хорижий мамлакатлар олимларидан О.Конт, М.Вебер, Э.Дюркгейм, Ф.Знанецкий, П.Сорокин, Т.Парсонс, Н.Эллиас, К.Леви-Стресс, Э.Тоффлерларни жаҳон социология фани тараққиётига муносиб улуш қўшган мутахассисларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади. МДХ давлатлари олимлари А.Абакирова, В.Багдасарян, А.Бандурка, Б.Бектурганова, А.Буев, М.Кислицына, К.Джамангулов, Ю.Ефимов, Н.Гузъ, Е.Западнюк, С.Орешков, А.Рамеева, А.Сувороваларнинг ишларида тадқиқ этилаётган мавзу йўналишида кечаётган ўзгаришлар ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари асосида таҳлил этилганлигини кузатиш мумкин. Мазкур олимлар миграция алоқаларининг барқарорлигини мамлакатнинг миграция алмашинувидаги ўзаро иқтисодий манфаатлар билан белгиланиши мумкинлигини тадқиқ этишган.

Мамлакатимиз олимлари Қ.Абдурахманов, В.Батурина, А.Гонорская, Б.Умурзоқов, Л.Максакова, А.Иноятов, И.Муллажонов, М.Пардаев, Б.Абдукаримов, М.Раҳимов, А.Легай, М.Юлдашев, Н.Хужаев, М.Шеллер, М.Раҳимов, Д.Гласс, П.Сорокин, Т.Саитбоев, Ш.Рахматуллаев, М.Бекмуродов, А.Холбеков, Ш.Содиқова, М.Ганиева, А.Сеитов, Д.Расулова, Э.Ртвеладзе, К.Калановларнинг тадқиқот ишларида аҳоли миграцияси ва уни тартибга солиниши, ташқи миграциянинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатлари, аҳоли миграциясининг ижтимоий, ҳуқуқий, гендер масалалари, Ўрта Осиёда аҳоли миграциясининг тарихий хусусиятлари, миграция жараёнларининг социал хусусиятлари, ички миграция муаммоларини таҳлил қилиб, илмий натижаларини эълон қилганлар.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда миграция жараёнлари йўналишида қилинаётган ишлар ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, тарихий жиҳатдан таҳлил этилган бўлсада, бироқ муаммонинг ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишда инсон омили масаласи мамлакатимиз социологик тадқиқотлар тизимида алоҳида тадқиқ этиш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ – 20170929253. Давлат бошқаруви соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва давлат хизматчилари малакасини ошириш бўйича махсус таълим йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда улар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий этиш (2018-2020 й.) илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миграция жараёнлари трансформациясига таъсир кўрсатувчи ижтимоий омилларни тадқиқ этиш ва социологик моделлаштириш орқали мутасадди ташкилотларнинг миграцияга оид фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

социал мобиллик ва миграция жараёнларини бошқаришда инсон омили ролининг устуворлашиш қонунини социологик таҳлил этиш;

жамият социал мобиллиги ва миграция жараёнлари структураси динамик ўзгаришларини прогнозлаштириш ва социологик моделлаштириш;

миграция жараёнларида инсон омилининг ижтимоий, сиёсий, социомаданий ўзгариш йўналишлари ва ривожланиш қонуниятларини аниқлаш;

миграция жараёнига таъсир этувчи объектив шарт-шароитлар, субъектив омиллар имконият ва конструктив-механизмларини кўрсатиш;

миграцияга оид давлат сиёсати самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган: назарий хулосалар, амалий таклифлар ва методологик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда жамият ижтимоий мобиллиги ва миграция ҳодисаси ўртасидаги корреляцион алоқадорликларни бошқариш институтлари фаолиятини интеграциялаштириш стратегияси ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети миграция жараёнида мигрант социал мақоми ўзгаришларини комплекс-тизимли ўрганиб, ривожлантиришнинг конструктив-рационал тактикаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда социологиянинг биографик, кузатиш, анкета сўрови, интервью, статистик-социологик маълумотларни умумлаштириш, эксперт хулосалари, таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миграция ҳодисаси параметрлари, парадигмаларининг социологик аккультурациясини (турли маданиятлар тўқнашуви натижасида юз берувчи ўзгаришлар, миллий-маданий трансформация жараёнлари) эътиборга олган ҳолда мавжуд миграцион жараёнга этномаданий омилларнинг (анъаналар, урф-одатлар, қадриятлар, меъёрлар) таъсир кўрсатиши асосланган;

миграция шаклларидаги миллий-ментал ва ҳудудий хусусиятлари кесимидаги ҳолатининг социологик харитаси бўйича жамият социал мобиллиги билан индикатор кўрсаткичлари (актив, барқарор, пассив, ўта пассив)нинг корреляцион алоқадорлиги аниқланган;

миграция жараёнларининг оқибатлари (ассимиляция, маргиналлашув, ўз маданий муҳитидан узоқлашув)ни олдини олишга қаратилган мақсадли ижтимоийлаштириш мезонлари (корпоративлик, проактивлик, жамоавийлик, назорат қилиш) ишлаб чиқилган;

ижтимоий шерикчилик асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали янги иш жойларини ташкил қилишда хорижда ишлаб топилган маблағ эгаларининг (сармоядорларнинг) протекционистик (яъни, қариндошлик муносабатлари асосида) кооперациясини ташкил қилиш исботланган;

миграция жараёнларини рационал ташкил этиш, уларнинг ҳудудий-географик хусусиятлари, стратегик вазифаларини аниқлаш орқали истиқболларини прогнозлаштириш ва оптималлаштиришда интегратив ёндашувнинг аҳамияти очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда намоён бўлган: Ўзбекистонда миграция жараёнлари динамикасининг ҳолатини белгиловчи социологик корреляция дастури таклиф этилган ва миграция жараёнларининг истиқболдаги трансформациялашувини белгиловчи прогноз ва моделлаштириш усуллари аниқланган;

миграция жараёнлари умумий манзарасининг ҳудудлар кесимидаги тенденцияларини кўрсатувчи харита ишлаб чиқилиб, мавжуд ижтимоий мобилликни оптималлаштириш бўйича тавсиялар берилган;

Ўзбекистондаги миграция жараёнларининг глобаллашган дунёга ижтимоий-маданий интеграциялашувининг механизмлари ишлаб чиқилган;

миграция жараёнларини оптимал ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш, ёшларнинг бандлик ва иш билан таъминлаш масалаларини инновацион ғоялар билан белгилаш омили сифатида тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, ўтказилган социологик сўровноманинг анкета, интервью ва эксперт сўров шаклларига асослангани, ҳулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотни олиб боришда эришилган натижаларнинг илмий аҳамияти жамият ижтимоий мобиллиги ва миграция жараёнларини оптималлаштириш, ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишга мутасадди давлат ташкилотлари, фуқаролик институтлари фаолиятини мувофиқлаштириш, унинг назарий-мантикий асосларини ривожлантириш, ушбу жараёнлар тенденцияларини аниқлаб, прогнозлаштириш, моделлаштиришга доир социологик назарий концепцияларни, футурологик таълимотларни “рақамли ижтимоий ҳаёт” тамойили асосида конкретлаштириш жиҳатларини чуқур тадқиқ этишга бағишланган махсус илмий ишларда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертация тадқиқоти материалларидан «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқотларда, олий ўқув юртларида «Социология», «Миграция социологияси», «Маданиятшунослик», «Антропология», «Ижтимоий прогностика» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлаш ҳамда ўқитишда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миграция жараёнлари трансформацияси ва интеграциялашув тенденцияларини таҳлил қилиш асосида:

миграция ходисаси параметрлари, парадигмаларининг социологик аккультурациясини (турли маданиятлар тўқнашуви натижасида юз берувчи ўзгаришлар, миллий-маданий трансформация жараёнлари) эътиборга олган ҳолда мавжуд миграцион жараёнга этномаданий омилларнинг (анъаналар,

урф-одатлар, қадриятлар, меъёрлар) таъсир кўрсатишига доир таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августдаги ПФ-5785-сон «Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида» ги Фармонининг 10-бандининг биринчи хатбошисида белгиланган «хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагини билдирган фуқароларга иш берувчи мамлакатда бўлиш қоидалари, меҳнат, ижтимоий, уй-жой ва маиший таъминот шароитлари, хорижий иш берувчилар билан меҳнат шартномаларини тузишнинг ҳуқуқий жиҳатлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган молиявий ёрдам чоралари тўғрисидаги маълумотларни онлайн тарзда тақдим қилиш» маълумотлар базасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг 2020 йил 21 июлдаги 02/00-02/05-4233-сон ҳамда 16 декабрдаги 02/00-01/05-7364 маълумотномаси). Бу мигрантларнинг социал мақоми ва мавқеини мустаҳкамлаш, янги этномаданий воқеликка мослаштириш зарурияти, миллий маданиятларнинг интеграциялашган трансформацияси характери ва йўналишларини белгилаш имконини берган;

миграция шаклларидаги миллий-ментал ва ҳудудий хусусиятлари кесимидаги ҳолатининг социологик харитаси бўйича жамият социал мобиллиги билан индикатор кўрсаткичлари (актив, барқарор, пассив, ўта пассив)нинг корреляцион алоқадорлиги натижасидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги ПКҚ-4804-сон қарорига 6-илованинг 5-банди, 3-хатбошисида белгиланган «Иш билан банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунар, тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитишни ташкил этиш, аҳолига бандлик ва ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига оид хизматлар кўрсатиш ҳамда бошқа фаолият йўналишларини жорий этиш ва амалга ошириш» чора-тадбирларини тайёрлашда фойдаланилган (ЎзР Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг 2020 йил 21 июлдаги 02/00-02/05-4233-сон ҳамда 16 декабрдаги 02/00-01/05-7364 маълумотномаси). Бу аҳоли бандлигига кўмаклашиш соҳасида хизматлар кўрсатиш сифатини янада ошириш ва бу борада норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш имконини берган;

миграция жараёнларининг оқибатлари (ассимиляция, маргиналлашув, ўз маданий муҳитидан узоқлашув)ни олдини олишга қаратилган мақсадли ижтимоийлаштириш мезонлари (корпоративлик, проактивлик, жамоавийлик, назорат қилиш)га доир таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги ПКҚ-3509-сон «Кириш туризмининг

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган «Ички туризмни ривожлантириш чора-тадбирлар режаси» 30-бандини амалга оширишда белгиланган: хорижда дўстлик жамиятлари ва ўзбек диаспораси, шу жумладан, тарихи, маданияти, миллий урф-одатларини тарғиб қилиш ишларини фаоллаштириш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасининг 2020 йил 9 июлдаги 02-16/3405-сон маълумотномаси). Бу ўзаро таъсир қилаётган турли ижтимоий ва маданий тизимга мансуб мигрантлар, уларни қабул қилган жамиятдан у ёки бу даражада маданий хусусиятларни қабул қилиб олиши, уларга ўз хусусиятларини трансформация қилиши, республикамизнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилишдаги ўрнини таҳлил қилиш имконини берган;

ижтимоий шерикчилик асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали янги иш жойларини ташкил қилишда хорижда ишлаб топилган маблағ эгаларининг (сармоядорларнинг) протекционистик (яъни, қариндошлик муносабатлари асосида) кооперациясини ташкил қилишга оид таклифларидан Республика «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг 2019 йил режа асосида 2019 йил таъсисчиларнинг йиғилишида (Баённома№2) 6-бандида тасдиқланган «Миграция жараёнлари жамоатчилик фикри кўзгусида»га бағишланган социологик сўровноманинг II Бўлими 5,6,7,8,9,10 бандларидаги «Ижтимоий шерикчилик асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, янги иш ўринларини ажратишга» бағишланган қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг 2020 йил 09 июндаги 01-16/164-сон ҳамда ФЖШМҚМИнинг 2019 йил 14 майдаги 20/708-1-сон маълумотномалари). Бу Ўзбекистонда миграция йўналишлари жараёнларини оптималлаштириш, ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишга оид социологик маълумотлар базасини бойитишга, ижтимоий шерикчилик асосида тадбиркорликни ташкил этиш, янги иш ўринларини яратиш имконини берган;

миграция жараёнларини рационал ташкил этиш, уларнинг ҳудудий-географик хусусиятлари, стратегик вазифаларини аниқлаш орқали истиқболларини прогнозлаштириш ва оптималлаштиришда интегратив ёндашувнинг аҳамияти оид таклифларидан Республика «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 февралдаги ПФ-5667-сон «Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 2-бандининг 4-хатбоши «Ижтимоий соҳада - аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга, унинг бандлигини таъминлашга, реал даромадларини ошириш чора-тадбирларини бажаришга йўналтирилган ислохотлар» ҳамда 9-бандининг 4-хатбоши «Ўзбекистонда ва хорижда демографик жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилишга кўмаклашиш»ни тайёрлашда фойдаланилган («Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг 2020 йил 09 июндаги 01-16/164-сон маълумотномаси). Бу социал мобиллик, миграцион жараёнларнинг кўп

ўлчамли парадигмалари таҳлиliga оид илмий изланишларни кучайтириш, унинг замонавий тенденциялари динамикасини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та республика, 2 та халқаро илмий ва амалий конференцияларда маърузалар шаклида синовдан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзусида 25 дан ортиқ илмий ишлар chop этилди, жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини chop этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола (10) таси республика илмий журналларда, 4 таси халқаро журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 256 бетни ташкил этди. Ишда 155 та манба ва адабиётлардан фойдаланилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти, предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби «**Миграция жараёнини социал мобиллик контекстида тадқиқ қилишнинг назарий-методологик масалалари**» деб номланиб, «Ижтимоий мобиллик феноменининг тарихий ривожланиш босқичи ва хусусиятлари»; «Социал мобиллик параметрлари ўзгаришларининг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллар»; «Социал мобилликни ривожлантириш ва миграция жараёнини оптималлаштириш усул ҳамда воситалари» деб номланган уч параграфдан иборат. Миграция ҳодисасининг жамият социал мобиллиги билан корреляцион алоқадорлигини аниқлаш ва моделлаштириш масалалари таҳлил қилинган. Унда ижтимоий мобиллик амплитудаси параметрларига таъсир қилувчи омиллар таркибида миграция ҳодисаси ролини аниқлашга доир математик модель кўрсаткичлари, уларни прогнозлаштиришга мутасадди ташкилотларнинг стратегик «Йўл харитаси»ни тузишга асос бўлиши кўрсатилган.

Зеро, БМТ экспертларининг берган маълумотларида 2019 йилда сайёрамизда қарийб 272 млн.га яқин мигрантлар бўлганлиги кўрсатилган. Айнан шу йили бу мигрантлар томонидан ўз мамлакатларига 300 миллиард АҚШ долларидан зиёд сармоя киритилганини эътиборга оладиган бўлсак, миграция объекти ва субъекти бўлган инсон ижтимоий мобиллигини социологик тадқиқ қилиш муҳимлиги шубҳага ўрин қолдирмайди.

Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистонда ташқи меҳнат миграциясида иштирок этаётган аҳоли 2006 йилда – 105,1 минг, 2007 йилнинг биринчи ярмида – 670,7 минг, 2008 йилда – 1 млн.га яқин, 2018 йилда – икки миллион олти юз ўн бир минг кишини ташкил қилган.⁵

Тадқиқотда миграциянинг: 1) лаҳзали (эпизодли); 2) маятник (тебранма); 3) мавсумий (фрагментар); 4) доимий (перманент), қайтмас (стационар) кўринишларининг мигрантлар ижтимоий мобиллигига боғлиқ объектив асослари, субъектив омиллари кўрсатилган. Яъни: биринчидан, мақсадни қўйиш ва уни амалга оширишга интилиш – мотивацион асос; иккинчидан, миграция жараёнининг социал ўзини ўзи ташкил этиши – синергетик асос; учинчидан, расмий ва норасмий тартиб-қоидаларнинг шаклланиши – ташкилий асос; тўртинчидан, миграция жараёнини бошқаришнинг демократик характери – сиёсий асос; бешинчидан, миграцияни бошқариш ва назорат қилиш нормалари – ҳуқуқий асос; олтинчидан, миграция маданиятини шакллантириш – маънавий-ахлоқий асосларидир.

Бу ҳақда таникли социолог-футуролог Э.Тоффлер ҳозирги жамиятда «Янги киши шаклланаётгани йўқ, янги социал характер шаклланмоқда. Шунинг учун ҳам биз мифологик «одам» қиёфасини эмас, балки унинг характеридаги ўзига хос белгиларини аниқлашимиз даркор, чунки улар келажак тараққиётни белгилаши мумкин»⁶, деб ёзган эди.

Бизнинг фикримизча, миграция жараёнларини бошқаришнинг кўрсатилган норматив-регулятив асослари ижтимоий мобилликнинг конкрет ҳудудий-маъмурий, ижтимоий-маданий, этно-демографик ва иқтисодий-географик хусусиятларига дифференциал ёндашишни истисно қилмайди, балки тақозо қилади.

Муаллифнинг «социал тизим» тушунчасини конкрет инсон, ижтимоий муносабат шакли, социал мобиллик комплекси, социомаданий муҳит контекстларида таҳлил қилиши, мигрантларнинг: а) индивидуал социал сифатларини; б) ижтимоий мобиллигига таъсир кўрсатувчи мотивларини; в) ҳаракатлантирувчи механизмларини; г) миграциянинг глобал қадрият мақоми ва этномаданий хусусиятларини; д) манфаатлар индивидуаллиги, «персонификацияси», унификацияси ва интеграцияси имкониятлари ҳамда каналларини аниқлаш, уларнинг ижтимоий мобиллигини, миграцион фаоллиги кўрсаткичларини баҳолашга асос бўлади.

Тадқиқотда республикада меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан бандлигини ошириш муаммосини ҳал қилишнинг самарали йўлларида меҳнат бозори таркиби, хусусиятлари, вазифаларининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти асосланган. Зеро, хорижлик экспертлар ҳулосаларига кўра, Ўзбекистон ҳукуматининг тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари янги иш ўринлари

⁵ Зайончковская Ж.А. Миграция населения из стран Центральной Азии. В книге: Трудовая миграция в Республике Узбекистан: Социальные, правовые и гендерные аспекты. – Ташкент: Программа развития ООН в Узбекистане, 2008. – С. 13.

⁶Тоффлер Э. Третья волна. – М.: «Аст», 1999. – 602 с.

яратиш билан ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги рационал нисбатни таъминлашга реал имкониятлар яратади⁷.

Диссертацияда уларни реализация қилишга доир методологик тавсиялар, амалий таклифлар ишлаб чиқилган, яъни, биринчидан, ижтимоий онг шакллари ва маданият турларининг ижтимоий мобиллик ва миграцион фаоллик ҳодисалари мустақиллиги шартли ва нисбийдир; иккинчидан, жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг объектив қонунлари, субъектив омиллари ижтимоий мобиллик ва миграция ёрдамида объективлашади ва моддийлашади; учинчидан, иқтисодий онг ва маданиятнинг диалектик ва синергетик тамойиллар асосида ўзгариши, миграция ҳодисасини ижтимоийлаштириш жараёнига зиддиятлидир; тўртинчидан, миграция жараёнини ижтимоийлаштириш, жамият аъзоларининг юқори интеллектуал салоҳиятини, миграцион муҳитга юқори «адаптация потенциаллари»ни тақозо қилади; бешинчидан, кишилар онгидаги мустабид тизимда шаклланган стереотипларнинг миграцияга салбий таъсирини бартараф қилиш таълим-тарбия тизими комплексига боғлиқ; олтинчидан, ижтимоий мобиллик кўрсаткичлари билан аҳоли миграцион фаоллиги ўртасидаги корреляцион алоқадорлик муносабатлари жамият тараққиётига адекват бўлади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Миграция ҳодисасини ҳаракатлантирувчи мотивлар ва механизмлар тизими**» деб номланиб: 1) «Миграция ҳодисаси: асосий тушунча ва муқобил ёндашувлар»; 2) «Миграцион жараёнлар трансформациясининг асосий йўналишлари ва ривожланиш хусусиятлари»; 3) «Халқаро меҳнат бозорининг миграция жараёнини ташкиллаштириш ва бошқариш функциялари» каби муаммолар таҳлил қилинган параграфларга ажратилган.

Глобаллашув жараёнида миграциянинг кўлами, мураккаблиги, зиддиятлари нафақат иқтисодий нотенглик, ҳудуд геосиёсий вазиятларига боғлиқ, балки турфа маданиятлар, этнос ва диний конфессиялар муносабатлари, ментал ижтимоий-психологик омиллар комплекси билан ҳам изоҳланади.

БМТ баҳосига кўра, халқаро мигрант мақомини олиш учун киши ўз мамлакатидан ташқарида, камида бир йил бўлиши керак. Шу талабга асосан, 2005 йил дунёда 200 миллион халқаро мигрант бўлган. Уларнинг 9 миллион нафарини қочоқлар ташкил этган. Таққослаш учун айтганда, бу кўрсаткич демографик нуфузига кўра, дунёда 5 ўринда турадиган Бразилия аҳолиси сонига тенг. Бугунги кунда Ер юзидаги ҳар 35 кишидан биттаси халқаро мигрант саналади. Бошқача қилиб айтганда, ҳозир дунё аҳолисининг уч фоизидан ортиғини халқаро мигрантлар ташкил этади⁸.

Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, мигрантлар Ер юзи бўйича ўртача 300 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги пулни ўзмамлакатларига ўтказишади.

⁷Қаранг. Инсон тараққиёти тўғрисида ҳисобот. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 180 б.

⁸БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўлими: халқаро Миграция (Нью Йорк: БМТ, 2004).

Таҳлилларга кўра, тахминан 15 миллион хорижда туғилган ишчилар АҚШ иқтисодиётига 10 миллиард доллар миқдорида ҳисса қўшади⁹.

Диссертацияда миграция жараёнларининг глобал, минтақа ва мамлакатга хос социологик хусусиятлари илмий таҳлил этилиб, халқаро меҳнат бозоридаги ўрни ва аҳамияти аниқланган, яъни, биринчидан, Ўзбекистон аҳолиси табиий ўсишининг турғун сақланиб қолиши билан аҳоли бандлиги ва янги иш ўринлари яратиш жараёнлари ўртасидаги номутаносиблик халқаро меҳнат бозорига ўзбекистонлик мигрантлар интеграциясига асос бўлади; иккинчидан, дунё давлатлари иқтисодиётининг нисбатан беқарорлиги, миграцион қонунчилигидаги фарқлар, Ўзбекистонда иқтисодий ривожланиш тенденцияси барқарорлиги, мамлакат мигрантларини абсолют сони қисқаришига олиб келади; учинчидан, мигрантларни жалб қилувчи мамлакатлар маданияти, тарихи, савдо, иқтисодий ва маданий алоқалари, умумий тилида сўзлаша олиш каби омиллар уларнинг турғунлигини сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга; тўртинчидан, Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига оддий «гастербайтерлар» билан эмас, балки ахборот технологияларини биладиган, замонавий инновацион қобилиятга эга малакали меҳнат ресурслари орқали иштирок этиш тенденцияси кузатилмоқда; бешинчидан, мамлакатдан чиқувчи миграция оқимларини диверсификация ва «селекция» қилиш зарурияти, юқори технологик тармоқларда банд бўлиш учун касбий билим ва кўникмаларини, интеллектуал салоҳиятини оширишни талаб қилмоқда; олтинчидан, халқаро миграция оқимини оптималлаштириш учун БМТнинг Меҳнат мигрантларини ҳимоялаш Конвенциясини ратификация қилиш; хориж мамлакатлари билан икки томонлама келишувларни имзолаш, халқаро миграцияга доир қонунларни имплементация қилиб, унификациялаштириш зарур.

Тадқиқотнинг «**Миграциянинг этномаданий жараёнларга таъсир йўналишлари ва уларнинг интеграциялашуви**» деб номланган учинчи боби: 1) «Миграция жараёнида миллий-маданий кадриятлар интеграцияси ва мультикультуризм»; 2) «Маданий омилларнинг мигрантлар ижтимоий муносабатлари ўзгариши ва социал қиёфаси трансформациясига таъсири»; 3) «Мигрантлар ижтимоий бегоналашувининг социал сабаблари ва нодавлат, ноформал гуруҳлар таъсирини фаоллаштириш зарурияти» номли параграфларга ажратилган.

Ҳозирги пайтда мигрантларни қабул қилган жамиятларда мослашув жараёнини бошқаришга оид интеграциявий ва мультикультуралистик интегратив моделлар ишлаб чиқилган. Биринчи модел мигрантларнинг қабул қилувчи мамлакатлар аҳолиси турмуш тарзи норма ва қоидалари, маданий кадриятларини қабул қилиши орқали уларга «сингиб кетиши»ни билдиради.

Мультикультуралистик модел эса турли этномаданий гуруҳлар ижтимоий муносабатларининг муайян сиёсий-маъмурий ҳудуд доирасида амал қилишини кўзда тутди. Аммо, Ғарб давлатлари мигрантлари мослашув стратегияси тажрибалари, унинг ноқобиллигини кўрсатди. Хусусан,

⁹RathaD., MohapatraS., VijayalakshmiK.M., XuZ. Remittance Trends. 2008, p.1,2.

мигрантларнинг қабул қилувчи давлатлар маънавий-маданий ҳаёт тарзига мослаша олмаслиги, уларнинг «анклавлашуви»га, ноформал гуруҳлари шаклланиши ва низоли вазиятлар вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Бегона этник ва маданий муҳит қуршовига тушган мигрантлар ассимиляция, интеграция, сегрегация ва маргинализация моделларини қабул қилишлари мумкин. Биринчи икки модел мигрантларни қабул қилувчи жамият билан конструктив алоқаларга асос бўлади. Яъни, мигрантлар миллий ўзига хослигини йўқотиб, уларга тўлиқ қўшилиб кетади (ассимиляция) ёки айрим миллий хусусиятларини сақлаб қолиб, унга сингиб кетади. Кейинги икки моделда қабул қилувчи жамият билан мигрантлар минимал алоқа қилган ҳолда, улардан қатъий ажралиб туради ёки янги миллий ўзига хосликни қабул қилишда ўз миллий хусусиятларни йўқотади. Шунинг учун бу моделлар жамият барқарорлиги ва миллий хавфсизлиги учун хавфли бўлиб, мигрантлар орасида экстремистик кайфият тарқалишига, уларнинг криминаллашувига муҳит яратади.

Ҳозирги миграциявий тўлқин турли дезинтеграция тенденциялар ва низоларни кучайтирмоқда. 2015-2017 йилларда Франция, Бельгия, Буюк Британия, Германия ва Россияда террорчилик хавфининг кескин ошгани, айниқса, радикал исломчилар ҳаракати мигрантларни потенциал террорчилар сафига қўшишга олиб келди. Британия социологик маркази ахборотига кўра, мигрантлар томонидан аёлларга зўравонлик, ўғриликлар, маҳаллий аҳоли томонидан эса мигрантларни вақтинча сақлаш жойларини ёқиш, қочоқларга хужум қилиш каби жиноятлар ошмоқда¹⁰.

XX аср ўрталаридан бошлаб, аккультурацияга реципиент гуруҳларнинг устувор гуруҳ билан ўзаро алоқалари стратегияси сифатида қарала бошланди. Бунда мигрантларнинг доминант «титул» гуруҳга ассимиляциялашуви, реципиент гуруҳнинг ўзини ҳимоя қилиши, ўзаро таъсирдаги иккала маданият (бикультура) ўзгариши ва бу маданиятларнинг «кучсизланиши» бир-биридан фарқланади. Шу нуқтаи назардан, Ж.Берри аккультурацияда ассимиляция, сепарация, интеграция ва маргинализация каби жараёнлар бир-бири билан боғлиқлигини кўрсатишида асос бор.

Уларнинг миллий-ментал хусусиятларини 2019 йил ўтказилган социологик тадқиқот натижалари¹¹ кўрсатиб турибди*(1-жадвал).

40,4% респондент мезбон мамлакат аҳолисининг аксарияти «мигрантлар»га меҳмондўстлигини, 57,2% янги дўстлар орттирганлиги, 25% респондентлар эса, нисбатан яхши муносабат кўрсатишганлигини, 21,2% респондент маҳаллий аҳолининг мигрантларга бефарқ муносабатини, 8% респондент маҳаллий аҳоли уларни ёқтирмаслигини қайд этишган. 5,2% респондент бу саволга жавоб беришмаган. Умуман, сўров натижаларига кўра, мигрантларнинг маданий-этник бирлигида ўзаро яқинлик, хулқ-атвори,

¹⁰Қаранг: Global Views on Immigration and the Refugee Crisis. — Ipsos Mori. July 2016. P. 19. URL: https://www.ipsos.com/sites/default/files/2016-08/Immigration_and_Refugees-July_2016.pdf (accessed 05.04.2017).

¹¹Ушбу тадқиқот натижалари муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

этикоди, урф-одатларида миграцион толерантлик умумийлиги нисбатан турғун бўлса ҳам, миграцион ижтимоий муҳит ўзгаришига мос бойиб боради.

Хорижда ишлаётган мигрантларга нисбатан маҳаллий аҳолининг муносабати таҳлили.

1-жадвал

№	Худудлар	меҳмондўст	яхши муносабат	бефарқ	ёқтирмаслик	янги дўстлар ортириш	жавоб йўқ
1	Қорақалпоғистон Республикаси	4	12	3	1	8	0
2	Андижон вилояти	24	20	6	0	32	1
3	Бухоро вилояти	20	17	6	6	35	1
4	Жиззах вилояти	16	8	3	0	16	1
5	Қашқадарё вилояти	8	11	7	4	12	0
6	Навоий вилояти	5	14	12	11	21	1
7	Наманган вилояти	23	4	2	0	11	1
8	Самарқанд вилояти	20	17	7	3	30	0
9	Сурхондарё вилояти	19	8	3	0	18	0
10	Сирдарё вилояти	1	2	4	3	2	0
11	Тошкент вилояти	11	5	0	1	8	1
12	Фарғона вилояти	16	13	5	1	19	1
13	Хоразм вилояти	6	7	5	5	17	0
14	Тошкент шаҳри	6	17	7	0	25	0
Умумий сони		179	155	70	35	254	7
Улуши		40,6%	35,2%	15,9%	7,9%	57,2	1,6%

*тадқиқотлар 2018-2019 йилларда хориж мамалакатларида бир йилдан беш йилгача муддатда ишлаб келган мигрантлар ўртасида ўтказилган.

Глобал миграция жараёнида этномаданий қадриятлар интеграцияси, транснационализм, мультикультуризм ва ноформал гуруҳлар шаклланиши: биринчидан, нисбатан универсал ижтимоий муносабатлар тизимини функционал интеграциялаштириш ва такомиллаштириш имкониятларини яратади; иккинчидан, мигрантлар, профессионал сифат даражасини, этномаданий муносабатларда социал мақоми ва мавқеи, миллий идентиклигини конкретлаштиради; учинчидан, мигрантлар этномаданиятини янги социал воқеликка мослаштириш модернизациялашган, интеграциялашган этномаданиятлар корреляцион алоқадорлигини тақозо қилади; тўртинчидан, қабул қилувчи давлатларнинг мигрантлар миллий қадриятларига субординацион-конформистик муносабати ноформал гуруҳларни, гегемонликка даъвогар кучларни фаоллаштиради; бешинчидан, ноқонуний-ноформал уюшмаларнинг демократик бошқаришда тараққий этган давлатлар тажрибасидан фойдаланиш улар салбий оқибатларининг

олдини олишда муҳим аҳамиятга эга; олтинчидан, мигрантларни ҳимоя қилишга мутасадди давлат ташкилотлари, оммавий фуқаролик институтлари, ОАВ ва жамоатчилик фикрини уйғунлаштириш мигрантларнинг ноформал ташкилотларига муносабатини конкретлаштиради.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Ўзбекистонда миграция жараёнлари этномаданий хусусиятлари таҳлили: вазифалар, истиқболлар ва моделлар**» деб номланган бўлиб: 1) «Ўзбекистонда миграция жараёнларини оптималлаштиришнинг стратегик вазифалари»; 2) «Ўзбекистонда миграция жараёнларининг этномаданий интеграцияси ва ривожланиш тенденциялари»; 3) «Миграция жараёнларини моделлаштириш ва прогнозлаштириш: ички ва ташқи меҳнат миграциясига таъсир этувчи омилларнинг ўзаро корреляцион алоқадорлиги» каби параграфларга ажратилган.

Ўзбекистонда меҳнат миграцияси нисбатан оммавий характерга эга ижтимоий-демографик жараён сифатида эътироф этилиб, унинг жаҳон миграцион жараёнларини, глобал этномаданий муносабатлари ривожланиш тенденцияларини, мамлакат ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётидаги роли, истиқболини прогнозлаштириш ва моделлаштиришда муҳим амалий аҳамиятга эга. Зеро, бу жараён ижтимоий муносабатлар барқарорлигига, шахс ижтимоийлашувига, иқтисодий фаровонликни оширишга, миллатлараро муносабатларга, давлатлар халқаро сиёсати ривожланишига ижобий таъсир қилади.

Респондентларнинг фикрича, улар яшаётган маҳаллада хорижга чиқишни истовчилардан кўра, хоҳламайдиганлар кўпчиликти ташкил этади. Яъни, 22,8% респондент маҳалла аҳолисининг 15 %дан 30%ида ишлаш учун бошқа мамлакатларга бориш истаги борлигини кўрсатган.

«Маҳалладошларингиз орасида муносиб ҳаёт кечириш учун маблағни фақат хорижда ишлаб топиш мумкин¹², деган фикр қанчалик асосли ҳисобланади?» [худудлар кесимида таҳлил]

2-жадвал

№	Худудлар	Ҳа*	Йўқ
1	Қорақалпоғистон Республикаси	90,0	3,3
2	Андижон	84,0	14,0
3	Бухоро	83,3	16,7
4	Жиззах	82,0	18,0
5	Қашқадарё	80,0	16,0
6	Навоий	45,0	55,0
7	Наманган	62,2	22,2
8	Самарқанд	68,3	31,7
9	Сурхондарё	74,4	12,8
10	Сирдарё	67,0	33,0

¹²Ушбу тадқиқот натижалари муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

11	Тошкент в.	64,4	31,1
12	Фарғона	81,7	16,7
13	Хоразм	76,7	23,3
14	Тошкент ш.	70,0	15,0

Ҳа - «Ҳа, инсонлар ишлаш учун чиқиб кетишга уриняптилар» ва «Шундай фикр мавжуд бўлишига қарамасдан бизнинг маҳалланинг асосий қисмига бунинг аҳамияти йўқ» каби жавоб вариантлари йиғиндис*

«Маҳалладошларингиз орасида муносиб ҳаёт кечириши учун зарур маблағни фақат хорижда ишлаб топиш мумкин, деган фикр мавжудми?», деган саволга ижобий жавоб берган респондентлар: Сирдарё вилоятида 67%, Қорақалпоғистон Республикасида 90%, Хоразмда 76,7%, Жиззахда 82%ни ташкил этган, буни ҳудудларда саноатнинг нисбатан паст даражада ривожланиши, иш ўринлари камлиги билан изоҳлаш мумкин. Аксинча, Навоий (55%), Самарқанд (31,7%), Тошкент (31,1%) шаҳарларида бу кўрсаткич юқорилигига саноатнинг нисбатан ривожланганлиги, урбанизация даражаси ва даромадлар юқорилиги хорижий миграцияни чегаралашга сабаб, дейишга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларига кўра, респондентлар Ўзбекистон фуқароларининг чет элга иш қидириб кетиш сабабларини яшаш жойида иш ҳақи пастлиги (57%), муносиб яшаш истаги (24%), иш ўринларининг етишмаслиги (22,5%), мутахассислик бўйича иш топиш қийинлиги (22%) билан изоҳлаганлар. Уларнинг 2018 йил учун вилоятлар кесимидаги фаоллик даражасини хариталаштириш натижалари қуйида кўрсатилган:



1-расм *харитани тузишда муаллиф тамонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ички ишлар, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари томонидан тақдим этилган материалларга таянилади.

Тадқиқот натижалари меҳнат миграцияси иштирок этувчи аҳоли қатламини ҳудудлар кесимида нисбий равишда актив, стабил, пассив ва ўта пассив каби шаклларга ажратиш имкониятини берди. Таҳлилларга кўра, 2009 йилда Самарқанд вилояти аҳолиси республика миқёсига нисбатан актив бўлган бўлса, 2018 йилда ҳам шу ҳолатини сақлаб қолган. Аксинча, Қорақалпоғистон Республикаси 2009 йилда актив бўлгани ҳолда, 2018 йилда стабил ҳолатга яъни республикадаги ўртача кўрсаткичга тенг ҳолатга ўтган. Бунга асосий сабаб 2016 йилдан сўнг, Қорақалпоғистон Республикасида Орол бўйи аҳолисига қулайлик яратиш ва янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиши билан изоҳланади. Аксинча, Хоразм, Сирдарё ва Андижон вилоятларида аҳолининг меҳнат миграциясининг ўта фаоллиги сақланган.

Диссертацияда мамлакат аҳолисининг ҳудудий ва халқаро миграция жараёнлари таҳлили асосида ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф қилиш, юмшатиш усули сифатида қаралмоқда. Демографик муаммолар вужудга келиши ва глобаллашуви¹³ ривожланган мамлакатларда мигрантларга, уларнинг сони ва сифатига эҳтиёж ошиб бориш тенденцияси жаҳон меҳнат бозорида миграциянинг келажаги рақобатли кечишини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда ёлланма меҳнат бозори мавжудлигини аҳоли ўсиш суръати, агросаноат соҳасининг мавсумий характери билан изоҳлаш мумкин¹⁴.

